

**Хасан Ато Абушийнинг “Туркий қавмлар тарихи” илмий-этнографик  
китобида уйғур турклари тарихи масаласи<sup>1</sup>**

**Уйғур турклари**

Уйғурлар ўғуз туркларидан бўлиб, улар жуда қадим маданиятга эгадирлар. Улар қадим замонда турк-ўғуз қавмларидан йирик бир жамоаси бўлиб Олтой тоғларидан шарқ тарафга тарқалганлар. Ўша вақтлар Олтой тоғларининг жануб-ғарб томонларида турklar “турк”, ёки “туркмон”, жануби-шарқ тарафларда тарафларда эса улар “уйғур” деб аталган. Тарихчи Абулғозий Баҳодирхон ўзининг “Шажараи турк” рисоласида уйғур номининг бир маъносини ерга жамоа бўлиб йиғилиб яшамоқ-уюшмоқ деган маънони билдиришини ёзган. Бу ерлар қадимда Туркистони сағир (кичик) ва Туркистони Чиний деб аталган бўлса, кейинчалик бу ерлар Қошғария номини олган. Қадимда Хитойлар бу қавмлар тарихи ҳақида ёза бошладилар. Улар Тён Шон (Тяншан) тоғлари шарқида яшовчиларни уйғур деб атаб, Ўрхун-Манғулия (Монголия) жанубидагиларни эса “Хитой Турклари”, ёки “туркмон” деб юритдилар. Уйғурларда маориф ва уйғур қалами яхши ривожланган, уйғурлар турк уруғлари ичида энг маданий ва энг маърифатли халқ бўлган. Улар Форс ва Хитой каби икки хил маданиятли халқлар орасида яшаганликлари туфайли бўлса керак улар ҳам анча маданиятли бўлганлар. Уйғурлар сиёсат ва маданият борасида бир томондан Чин билан бошқа тарафдан Мовароуннаҳр, Хоразм, Эрон, Рўм (Рим) мамлакатлари билан алоқа боғлардилар. Уйғурлар аввал энг эски турк ёзувида иш кўрган бўлсалар, кейинчалик Нястур рухонийлари келтирган “сирёний” қаламида ёздилар. Бу ёзувни уйғурлар узок вақт ишлатганликлари учун ҳам у “уйғур қалами” (уйғур ёзуви) номини олган. Араблар истилосидан кейин дин билан араб ёзуви ҳам кириб келди ва у уйғур ёзувини сиқиб чиқарди. Уйғур қаламига

---

<sup>1</sup> Хасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 143-162 бетлар.

мансуб эски китоб ҳижрий 461 йилда ёзилган бўлиб, унда Қошғар ҳаёти, сиёсати баён этилган : “Бу китоб Чин (Хитой) ҳокимлари ашъорлари билан, Мочин (жанубий Чин) уламолари амсоли билан безанмиш турур”. Чинликлар бу китобни “Одоб ул мулк”, Машриклар “Зийнат ул умр”, эронликлар “Шоҳномаи туркий” десалар, баъзи элларда “Пандномаи мулк” “Туроншоҳ Билик” деб номлаганлар. Бу китоб Хитой яқинида яшаган уйғурлар тили эски булғорлар тилига яқин бўлиб, уларни чоғиштира бу халқлар аслида бир уруғ, бири-бирига яқин қабилалар экани аён бўлади, деб ёзади Абуший.<sup>2</sup>

Уйғур туркларида маишат равиши (турмуш тарзи) ўзига хос бўлиб, улар орасида кўчманчилар ҳам турғун маданий ҳаёт кечирувчилар ҳам бўлган; улар деҳқончиликдан яхши фойда кўрганлар, савдо ва тижорат билан шуғулланганлар. Улар икки маданий мамлакат – Форс ва Хитой орасида яшаб, жанговарликни, қиличбозликни эгаллаган кўркмас турклар (уйғурлар) сифатида танилганлар, шаҳарлар барпо этишга киришганлар. Баъзилари овчилик, балиқчилик билан шуғуллансалар, жуда оз қисми ёввойи ҳаёт кечиришга ўрганганди. Уйғурларнинг тарқалиши яшаш тарзига боғлиқ бўлиб, баъзи уйғурлар Эрон ва Хитойга кўнгилли аскар бўлса, баъзилари хитойликлар қўлида ишлашдан қочиб Олтой туркларига бўйсунгани ўзига ор деб билиб, турк уруғларидан бўлган хунлар, оворлар, Олтой турклари тоторлар, манғолларга ҳам қўшилиб яшашга ўтдилар. Баъзи уйғурлар хитойликларга, форсийларга қўшилиб, эронликлар римликлар билан урушганида минглаб уйғур турклари эронликлар томонида туриб, кўнгилли аскар бўлиб хизмат қилганлар.

Уйғурлардан бир қисми ғарб-шимолга, Иртиш бўйларида кўчиб яшадилар. Баъзи уйғур турклари овчилик, балиқчилик билан, баъзилари деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланса, бошқалари бинолар қуриб, шаҳарсозлик билан шуғулланиб, унда савдо ва тижорат қилдилар. Буларнинг ораларида келишмовчиликлар бўлиб, натижада Иртиш уйғурлари янада

---

<sup>2</sup> Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 143-144 б.

шимолий-шарқий томонга силжиб яшашларига тўғри келди. Уйғурлар ёввойи финларга ҳеч бир қаршиликсиз қўшилиб яшай бошладилар. Бу халқлар узок йиллар аралашиб яшаб, уларда уйғурлик, туркийлик қавми устун кела бошлади, натижада бу халқлар “ўғир-булғор-бошқирд-мажор-мишор” қавмлари номини олиб яшадилар.<sup>3</sup>

Уйғурлардан бир қисми Европага Дунай бўйига жойлашиб олди. Овар турклари ушбу уйғурлардан бир қавми бўлиб, Хитойга жуда яқин яшаганликлари учун ҳам уларнинг урф ва одатлари, кийинишлари, сочларини кесмай юришлари Хитойликларга жуда ўхшарди. Аввалги ватанларида қолган уйғурларнинг турмуш тарзи, сиёсати бошқа туркийларга ўхшаш бўлиб, улар хонлар томонидан бошқарилган. Уларнинг пойтахти Қошғар ва Балосўғун эди. Сомонийлардан Нуҳ мовароуннаҳр ва Бухоро шаҳрини улардан ажратиб олди. Хонлари Буғрохон Хорун (вафоти 383 хижрий) замонида Жайхун ва Сайхун орасидаги уйғурлар бир томондан Чин-Хитой, иккинчи томондан Ҳазар (Каспий) денгизига қадар кенгайтirdилар. Мовароуннаҳр 612 х. йилда Муҳаммад Хоразмшоҳга қадар уйғурлар (Хитой турклари) қўлида қолди. Сўнг тахт Султон Муҳаммадга ва ундан Чингиз қўлига ўтди. Уйғурлар эски ватанларида жуда кўп сиёсий воқеаларни бошларидан кечирдилар. Улар Чингизга бош эгиб, итоат этдилар. Лекин „ уйғур “ номи Чингиз замонасида ишлатилмай, улар „ Қошғар турклари “ деб атала бошланди. Турклар бир неча бор Хитойдан мустақил бўлишга урундилар, аммо бунга муваффақ бўлолмадилар. Аммо кейинчалик Отолик Ғозий аталмиш Ёқуббек Туркистон шаҳридан Хитой аскарларини чиқариб, Қошғар шаҳрини пойтахт этиб, мустақил ислом давлатини тузди, у бошқа подшоҳларга ҳам ўзини подшоҳ деб танитди ва уларга элчи юборди, у мамлакатлар билан иттифоқ тузди, аммо унинг вафотидан кейин Хитойлар яна Туркистонни яъни хитойларнинг таъбирича, Туркистони Чинийни бир босиб олдилар. Уйғурларнинг бир қисми Туркистони Кабир саҳроларида Чиғатой исмида қолдилар, уйғур тили кейинчалик “Чиғатой тили” номини

---

<sup>3</sup> Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 146-бет.

олди. Усмонли ва Озорбойжон, Қрим, Булғор, Қозон турклари адабиёти ушбу Чигатой адабиётининг бир тармоғидир. Усмонли адабиёт кейинчалик аслидан анча йироқлашиб кетди, аммо Булғор ва Қозон адабиёти асл ҳолига анча яқин сақланиб қолди. Печенег-Бижинок турклари Рўм ва Рус тарихчилари уларни “печенег” деб атаганлар, булар туркмон-ўғуз халқининг бир шоҳобчаси бўлиб ҳисобланади. Уғир-можорларнинг бир қисми ва Харьков, Киев Бессарабия губернаторига қарам бўлган, бир қисми эса Шимолий Кавказ саҳроларига кўчишга мажбур бўлган турк қавмлари аслида печенеглар бўлган. Ҳазарлар учун Хоразм туркларидан ёрдам сўраган халқлар ҳам печенеглар эди. Печенеглар аслида “печенег”, ёки “бижинок”лар (тарихчи Абулғозийда “бижина” дейилган) Ўрта Осиё саҳроларида, Ёйиқ, Вулғо (Волга) тарафларга сочилиб кетган туркмонлардан бир қабиладир. Улар Волганинг ғарбига кўчиб, Дун (Дон) билан ҳазарлар ерига, Саратов саҳроларига кўчиб, ўша ерда ўрнашганлар. Юқорида айтиб ўтилган араб тарихчилари таъкидлашича, чингизнинг ҳокимлик таъсири ошгач, у кўп номларни ўзгартирган, натижада эски уйғур тилини Чингизнинг Чигатой исмли бир ўғли номи билан “Чигатой тили” деб ўзгартирилган, шунингдек, қадим эски тарихчилар баёнига кўра “бижиноклар”лар Ўғузхоннинг тўртинчи ўғли Кўкхоннинг иккинчи ўғли Бижина номидан олинган, тарихий китобларда печенеглар аслида туркмонлар бўлган дейилади. Печенеглар Осиё тарафида яшаб анча кучайган ва нуфузи ошган, улар ҳазарларга ҳужум қилганлар, ҳазарлар Хоразм турк мусулмонларидан кўмак сўраганлар. Лекин тез кунда печенеглар ортидан ўғуз турклари Вулғони (Волгани) кечиб ўтиб, уларга ҳужум қилганлар, икки томонлама ҳужумга учраган печенеглар Волга ва Дон, Соротоғ (Саратов) саҳроларини ўғузларга қолдириб, яна ғарброк томонга кўчишга мажбур бўлдилар. Улар Дун (Дон) дарёсини кечиб у ерда кўпдан тирикчилик қилаётган уғирларга ҳужум қилдилар, уларни Днепрни кечишга, Бессарабия ва Молдавиядан ўтишга, Кавказга кетишга мажбур қилдилар. Печенеглар ўғирлар ерларини, Лебеда саҳроларини, Харьков ва Киев губернияларини эгаллаб, ушбу ерларда узоқ йиллар 301 ҳижрий, 914 милодий

йилларгача яшадилар. Рус-Венгер Мажор ва Рўм (Туркия)да 10 аср ҳижрий, 12 аср милодийга қадар печенеглар жуда бой-бадавлат ва шухрат қозониб, ўша ердаги ерли халққа хавф ва дахшат солиб яшадилар.

Печенег халқлари ҳам бошқа турклар каби кўчманчилик билан шуғулланардилар. Уларнинг ерлари мол боқиш учун яхши саҳро ва яйловларга бой эди. Печенеглар савдо ва тижорат билан шуғулланардилар. Улар русларга Осиё моллари, отлари, қўйлар, ҳўкизлар сотар эдилар. Тарихчи Константин Буғронорудний ўзининг бир асарида : “Бу вақтга қадар русларда от ва шоҳли ҳайвон йўқ эди”,– деб ёзади. Печенегларнинг отлари жуда кучли эди. Улар от устида ўқ, ёй билан жанг қилиб, сулув ичида жанг олиб бориб, душман зўр келганда кўздан тезда ғойиб бўлишга уста эдилар. Печенеглар от устида сувларни кечар, катта ҳайвон териларидан қайик ўрнида фойдаланардилар. Улар дўстларга яхши дўст, душманга шафқатсиз эдилар. Ҳазарлар ва Дунай булғорларига кўп зарар келтирган рус князи Ивотславни (Владиславни) печенег кинюзи (князи) Қурохон Днепр соҳилларида 361 ҳижрий, 972 йил милодийда бошини танасидан жудо қилиб, унинг бош суягидан совут ясатган экан. Печенеглар Бессарабия ва Молдавияда яшаётган уғирларни ўз еридан қувиб, Дон дарёсидан, Дунайдан ўтиб, ўша ерларни ишғол қилдилар. Печенеглар бу мамлакатни саккизта айрим-айрим вилоятларга бўлиб ташладилар. Булардан тўрттаси Днепр дарёсини Шарқ (Машрик) тарафида, тўрттаси эса ҳозирги Румониё (Руминия), Трансилвания (Австрия ичида) ва Қора денгиз бўйларида эдилар. Бу ерлар – Днепр бўйлари печенеглар қўлида эди. Сўнгроқ салжук турклари Рўмга (Туркияга) қарши иттифоқ туздилар. Лекин қипчоқлар хиёлати туфайли кўп режалари амалга ошмади. Улар руслар, венгер-мажорлар, булғорлар, рўмлар (Туркия) билан жуда мураккаб даврларни ўз бошларидан кечирдилар.

Печенегларнинг заифлашувига Европанинг ҳар тарафида душманлик урушларини қайтаришга уруниш, ўз уруғдошлари, қавмлари билан ўзаро келишмовчиликлари сабаб бўлди. Уларнинг ичларидан “қипчоқ” номли

машҳур турк қавми майдонга чиқиб, улар “печенег” номини ўчиришга сабабчи бўлдилар. Печенеглар ўзларидан олдинги ва кейинги майдонга чиққан турк уруғларига аралашиб, тарқалиб кетдилар. Уларнинг сиёсий мавқелари йўқолгач, тарихдан мумтоз номлари ҳам ўчди. Баъзи тарихчилар (муаррихлар) бўшноқларни (Босния ва Сербия мусулмонларини) ушбу печенеглар авлоди деб тахмин қиладилар. Ўғуз турклари турк уруғларининг қадимий бир қавмларидандир. Улар Туркистон саҳроларида, Сирдарё ва Амударё, Орол ва Ҳазар (Каспий) денгизлари бўйларида, Хуросон ва Баҳри Ҳазар жанубидаги Эронга, Озорбойжон ва Кичик Осиёга, унинг шимолидаги Ёйик (Волга), Саратов саҳроларида, Дон дарёси бўйларигача сочилиб яшаганлар. Ўғузларнинг асли турклар бўлиб, бу ном ўғуз қавмининг қабила боши Ўғузхоннинг дунёга келишига боғлиқ. Ўғузхоннинг дунёга келиши ҳақида тарихчилар Рашиддин ва Абулғозий ёзишича, қадим замонда “ўғуз” исмли бир турк хони дунёга келиб, у жуда кўп турк уруғларини ўз атрофига йиғиб, уларни бирлаштириб, қудратли бир давлат барпо этган, бу давлат Шом, Миср, Эрон ва Ҳиндистонга қадар ерларни ўз ичига олган. Унинг олти ўғли бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳам тўрттадан ўғли бўлган. Ҳар қайси турк қавмларидан бирига бош бўлган. Ўғузхон авлодидан бўлганйигирма тўрт қавм “ўғуз” деб аталган. Айрим тарихчилар Ўғузхонни юнонларнинг Гомер, форсларнинг Кайумарслари қаби шахс, деб тахмин қиладилар. Уларнинг “ўғуз” аталишларига сабаб, сувга нисбат беришдан бўлиши мумкин деганлар. Турклар улкан сув ҳавзаларини “ўғуз” деганлар. Ўғузхон шахси ҳақиқийми, фаразийми бу номаълум. Шуниси аниқки, ўғузлар жуда қадим ва жуда қавмларга бой турклар бўлганлиги шаксиздир. Юнонлар, форсийлар ва туронийларнинг катта кўпчилиги ўғузлардан иборат бўлган. Ўғузлар форсийларга, арабларга кўнгилли аскар бўлиб, уларнинг жуда кўпи Арабистонга бориб у ерга тарқалганлар. Олтой турклари уйғурлар ҳам ўзларини ўғизларнинг бир қавми деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги кунда Туркистон, Озорбойжон ва Усмонли туркмонларнинг кўпчилиги ўғуз туркларидир. Ўғузлар дунёга кенг тарқалиб, улар ўзларини “туркмон”,

“Ўзбек”, “усмонли” турклар деб атайдилар. Улар Аму ва Сирдарё, Орол, Каспий, Қора денгиз бўйларида яшайдилар. Ўзбек турклари<sup>4</sup> кўчманчи туркий қавмлар бўлиб, улар тез-тез ўз номларини алмаштирганлар. Шунингдек Волга бўйларида келиб яшаган Монгол ва тоторлар тўқсон йилдан кам вақтда уч бора ўз номларини алмаштирганликларини Абуший ўз китобида ёзади.<sup>5</sup> Улар ўз хонларига нисбат бериб ўз номларини “монгол”, “тотор”, “ўзбек” ҳам деб атаганлар. Тотор-ўзбеклар Волга бўйларида яшаб, ер учун кураш олиб бориб, ўзаро ихтилофлари туфайли Туркистон саҳросига чекиндилар. Улар тотор исмини қолдириб, ёлғиз “ўзбек” исми билан оқсуяк бир қавм сифатида шаклландилар. Улар туркий қавмларга бош бўла бошладилар. Шу сабаб ундаги ўзбек бўлмаган : турк, туркмон ва тоторлар ўзларини “ўзбек” деб атай бошладилар, деб ёзади ўз китобида Абуший<sup>6</sup>. Ўзбеклар ҳозирда Туркистон вилоятида : Хива, Тошкент, Бухоро вилоятларида яшайдилар. “Бу кун саломат Бухоро амири “манғит” қабиласи ўзбекларидиндир”,– деб ёзади Ҳасан Ато Абуший ўзининг “Туркий қавмлар тарихи” китобида.

---

<sup>4</sup>Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 176-бет.

<sup>5</sup>Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 176-бет.

<sup>6</sup>Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: Чўлпон. – 1993.-240 б. 146-бет.